


# **туманимиз маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар**



**ОБОДЛИК ВА ОРАСТАЛИК ДИЛЛАРГА ХУШ КЕЛАДИ.**

Халқимизнинг ўзига хос бўлган миллий қадриятлари, урф-одатлари бор. Ҳар бир ўзбек хонадонига меҳмон келиши билан, турли байрамларимизни нишонлаш олдидан озодалик, ободончилик ишлари амалга оширилади. Азалдан баҳорнинг кириб келиши табиатнинг уйғониши билан уйғунлашиб кетади. Далалардаги яшиллик, атрофдаги янги экилаётган гуллар, дараҳтлар, хонадонлардаги орасталик, кўчалардаги ободлик дилларга ўзгача шукуҳ бағишлиайди.



Бугун юртимиз бўйлаб давом этаётган умумхалқ ҳашари доирасида Қизириқ туманимизда ҳам амалга оширилаётган ободлик ва орасталик дилларга завқ бағишишламоқда. “Наврӯз” байрами арафасида туманимиздаги маҳаллалар, ташкилотлар, муассасаларда ўтказилаётган умумхалқ ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳашарида фуқароларимиз фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу муносабат билан бугун Қизириқ туманининг барча маҳалларидаги дарахтлар оқланмоқда, манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар кўчатлари экилмоқда, кўчалар, уйларнинг атрофлари тозаланиб, ариқлар қазилмоқда.

Маҳаллалар худудида амалга оширилаётган ҳашарда туманинг барча фуқаролари фаол қатнашмоқдалар.

